SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

# Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari

1 (4) 2024

2024

**ISSN:** 2181-1342 (Online)
**Сайт:** https://scienceproblems.uz
**DOI:** 10.47390/SPR1342V4I1Y2024

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

***№ 1(4) - 2024***

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

### ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**ТОШКЕНТ-2024**

**БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

*07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор,

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети Тарих факултети доценти

*08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

*09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна –

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

*10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич –филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

*12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич - юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

*13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна - педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шохида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

*19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

*22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

*23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атақулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

**ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Электрон журнал **1368-сонли гувоҳнома** билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис**: “SCIENCEPROBLEM S TEAM” масъулияти чекланган жамияти.

# МУНДАРИЖА

## 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ


*Mustafoyev Abubakr Muhiddin oʻgʻli*
XIII VA XIV-ASRDA YASHAB IJOD ETGAN BUXORO FAQIHLARI VA ULARNING ASARLARI TAVSIFI (1-qism)........9-14

*Mirzayev Avazbek*
ANDIJON TAJRIBA PAXTA DALASI TARIXINING ARXIV HUJJATLARIDA YORITILISHI ........15-21

*Алиджанова Лазизахон Аббасовна*
ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА ДИН ВА ТАБОБАТ МАСАЛАСИНИ ЎРГАНИШДАГИ ЁНДАШУВЛАР ........22-28

*Sobirov Sardorbek Abdusattor oʻgʻli*
XIX-ASRNING IKKINCHI YARMIDA SHARQIY TURKISTONDA ROSSIYA VA BRITANIYA IMPERIYALARI RAQOBATI ........29-34

*Джалолов Бахром Джамолович*
СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА “ПАХТАЯККАҲОКИМЛИГИ” СИЁСАТИ ВА БОЛАЛАРГА КЎРСАТГАН ТАЪСИРИ ........35-39

*Maxmatkulova Nozikoy Choriyevna*
OʻZBEKISTONDA XX ASRNING IKKINCHI YARMIDA IRRIGATSIYA-MELIORATSIYA VA QISHLOQ XOʻJALIGINI MEXANIZATSIYALASH SOHASIDA YURITILGAN KADRLAR SIYOSATI ........40-45

*Ochilov Farhod*
OʻZBEKISTONDA OʻZINI OʻZI BOSHQARISH ORGANLARINING AHOLINI IJTIMOIY HIMOYA QILISHDAGI FAOLIYATI ........46-52

*Ҳамроева Нодира Нормуродовна*
ЎЗБЕКИСТОНДА ЕР-СУВ ИСЛОҲОТИ ЖАРАЁНИДА ИЖТИМОИЙ МУОММОЛАР ........53-58

*Мамажонов Алишер, Алишеров Абдувоҳид Алишерович*
ЎЗБЕКИСТОНДА ГИДРОЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРНИНГ БАРПО ЭТИЛИШИ ТАРИХИ ........59-65

*Tursunov Ravshan Normuratovich*
XIX-ASRNING IKKINCHI YARMI – XX-ASR BOSHIDA TURKISTON OʻLKASIDA SODIR BOLGAN ZILZILALAR TARIXIGA BIR NAZAR ........66-71


## 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ


*Умурзакова Мўътабархон Нодир қизи*
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИНИ ТИББИЙ СУҒУРТА АСОСИДА МОЛИЯЛАШТИРИШ МОДЕЛИ ........72-78

*Ro’zmetov Baxodir Shomurotovich*
TURIZMDA XIZMATLAR MOHIYATI VA UNING IJTIMOIY-IQTISODIY RIVOJLANISHNI TA’MINLASHDAGI O’RNI ........79-90

*Shanazarova Nilufar Baratovna*
MILLIY IQTISODIYOTDA TRANSPORTNING AHAMIYATI ........91-99

*Рахимов Ойбек Бахтиёрович*
АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ СУҒУРТА ҚИЛИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МОХИЯТИ ........100-109

*Болтаев Нурали Ширâматович*
АГРАР ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КАДРЛАР САЛОҲИЯТИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ АСОСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ ....... 110-118

*Эрханов Муҳаммаджон Абсайитович*
ДАВЛАТНИНГ ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ ВА ИНДЕКСЛАРДАГИ ЎРНИНИ ЯХШИЛАШДА ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИНГ ЎРНИ ....... 119-124

*Жураева Гульзира*
АНАЛИЗ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В МЕЖДУНАРОДНОЙ ТОРГОВЛЕ И УСЛУГАХ В ЭКОНОМИЧЕСКОМ РАЗВИТИИ ....... 125-130

*Akbarov Husan O'zbekxonovich*
BOG'DORCHILIKDA TEXNIK SAMARADORLIKNI TAHLIL ETISHNING PARAMETRIK VA NOPARAMETRIK USULLARI ....... 131-136

*Yaqubova Yulduz Raimovna*
KICHIK BIZNES SUBYEKTLARINING ISHLAB CHIQARISHINI SAMARALI AMALGA OSHIRISH KO'RSATKICHLARI ....... 137-147

*Рахимбаев Акмал Азатбоевич*
ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДЛАРИНИ САНОАТГА ИХТИСОСЛАШУВ ДАРАЖАСИНИ ТАРМОҚЛАР БЎЙИЧА АНИҚЛАШ ....... 148-157

*Saidmurodov Feruz Sodiqjon o'g'li*
SAMARALI SOLIQ SIYOSATI-INNOVATSION RIVOJLANISHGA O'TISHNING ASOSIY SHARTI ....... 158-170

***09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ***

*Наврўзова Гулчеҳра Нигматовна*
БАҲОУДДИН НАҚШБАНД РУБОИЙЛАРИНИ ШАРҲЛАГАН АЛЛОМА ....... 171-175

*Шарифходжаева Наргиза Абдуманноновна*
ФИЛОСОФИЯ СВОБОДЫ, РАВЕНСТВА И СОЦИАЛЬНОЙ СПРАВЕДЛИВОСТИ МУХАММАДА АЛИ ДЖИННЫ ....... 176-181

*Nasimov Azizbek Azimovich*
AXBOROTLASHGAN JAMIYAT RIVOJLANISHIDA AXLOQIY QADRIYATLARNING FALSAFIY MOHIYATI ....... 182-186

*Norkulov Olim Nasimovich*
GLOBALLASHUV JARAYONIDA MIGRATSIYANING AHOLI AXLOQIY QADRIYATLARIGA TA'SIRI ....... 187-191

*Хасанов Бобуржон Хакимович*
ОММАВИЙ НОРОЗИЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ....... 192-197

*Quramboyev Alisher Maxsudovich*
YANGI O'ZBEKISTON VA IJTIMOIY DAVLATCHILIK ....... 198-204

*Raxmonberdiyev Islombek Ilxom o'gli*
SIVILIZATSIYALAR TARAQQIYOTIDA MADANIYATLAR TO'QNASHUVINING IJTIMOIY-FALSAFIY AHAMIYATI (Samyuel F. Xantingtonning "Sivilizatsiyalar to'qnashuvi" asari asosida) ....... 205-214

*Shukurov Orif Jumaboyevich*
JAMIYATDA YOSHLARNING IJTIMOIY AKTIVLIGINI OSHIRISH XUSUSIYATLARI VA TAMOYILLARI ............ 215-219

**10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

*Akhmedov Oybek Saporbayevich*
THEORETICAL OVERVIEW OF THE DEFINITION "TERM" AND "TERMINOLOGY" IN LINGUISTIC SURVEYS ............ 220-227

*Равшанова Гулрухбегим Қаҳрамон қизи*
ЯНГИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА ҲАЖВНАВИСЛИК АНЪАНАСИ ............ 228-232

*Ortiqova Mavluda Nurmahammadovna*
AQOID ILMIDA KAROMAT TUSHUNCHASI VA BADIIY ADABIYOTDAGI TALQINI ............ 233-237

*Uliqova Mavludaxon*
"QON-QARINDOSH" KONSEPTINI FONETIK-FONOLOGIK SATHDA NAMOYON BO'LISHI ............ 238-243

*Rahmonov Asror ibni Nusrat*
HERMANN HESSE HAYOTI, IJODI VA ADABIYOTDAGI O'RNI ............ 244-252

*Raxmatova Dilafruz Nusratilloyevna*
SAMARQAND JADIDCHILIK MAKTABI VAKILLARI ASARLARINING TIL XUSUSIYATI ............ 253-258

*Djuraeva Muxlisa Shadiyarovna*
INGLIZ VA OʻZBEK TILLARIDA OILAVIY NUTQDAGI IJTIMOIY-MADANIY FARQLAR ............ 259-265

*Vokhidova Tamanno Saidjonovna*
MEDIALINGUISTICS AS A MODERN SCIENTIFIC DIRECTION ............ 266-271

*Djurayeva Shahlo G'ulom qizi, Sattarova Ismigul Baxtiyorovna*
INGLIZ ADABIYOTLARIDA KIRITMA BIRLIKLARNING BADIIY SEMANTIKASI ............ 272-277

**12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР**

*Uzakova Goʻzal Sharipovna*
OʻZBEKISTON RESPUBLIKASIDA "YASHIL QURILISH"NI AMALGA OSHIRISHNING HUQUQIY MASALALARI ............ 278-286

*Мирзаев Шухрат Шавкатович*
СУЩНОСТЬ И СОДЕРЖАНИЕ КАТЕГОРИИ ПРАВОПОНИМАНИЯ ............ 287-293

*Qosimov Botirjon Ma'rufjon oʻgʻli*
SUD HOKIMIYATINING MOLIYAVIY MUSTAQILLIGI: KONSTITUTSIYAVIY TAHLIL ............ 294-301

*Islombek Abdikhakimov*
QUANTUM COMPUTING AND LEGAL READINESS FOR E-GOVERNMENT SERVICES ............ 302-309

*Ходжаева Ширинхон Олимхон кизи*
ПЕРСПЕКТИВЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В СУДЕБНОЙ СИСТЕМЕ ............ 310-315

*Jiyenbayev Baxadir Ospanovich*
EKOLOGIK AUDITNI HUQUQIY TA'MINLASHNING AYRIM XUSUSIYATLARI: MILLIY VA XORIJIY TAJRIBA ............ 316-322

*Алишаев Собир Турсунбоевич*
СУД ҲУКМИНИ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА РАҚАМЛАШТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ............ 323-329

*Адембаев Аралбай Куралбаевич*
АЙРИМ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ЖИНОЯТ ҚОНУНЛАРИДА ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ҲАРАКАТИ ЁКИ УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ ........ 330-339

## 13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

*Матенов Рашид Бекимбетович, Анатолий Викторович Тряпельников*
ЮРИДИЧЕСКИЙ ТЕКСТ КАК ОБЪЕКТ ОБУЧЕНИЯ РУССКОМУ ЯЗЫКУ СТУДЕНТОВ-ЮРИСТОВ: ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ И МЕЖОТРАСЛЕВЫЕ ПЕРСПЕКТИВЫ ........ 340-346

*Xajiyeva Iroda Adambayevna*
TALABALARGA ZAMONAVIY O‘ZBEK SHE’RIYATI VA FOLKLOR MUNOSABATINI TUSHUNTIRISHDA PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARNING O‘RNI ........ 347-351

*Ayatov Raximberdi Ibragimovich*
XORIJIY TILDA TURIZM VA MEHMONXONA BIZNESI SOHASIGA OID SO‘Z VA IBORALARNI O‘QITISHDA TIL KO'NIKMALARINI RIVOJLANTIRISH ........ 352-357

*Saidova Dilobar Ikrambayevna*
MEHRIBONLIK UYLARI TARBIYALANUVCHILARIDA IJTIMOIY XULQ-ATVORNI RIVOJLANTIRISH ZARURATI ........ 358-361

*Eshqobilov Elmurod Menglimurod o’g’li*
KOMPETENSIYAVIY YONDASHUV ASOSIDA BO’LAJAK JISMONIY TARBIYA O’QITUVCHISINING KASBIY-PEDAGOGIK IJODKORLIKNI RIVOJLANTIRISH METODIKASI ........ 362-367

*Ҳамдамова Шахноза Юсупалиевна*
ТИББИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ФАНЛАРАРО ИНТЕГРАЦИОН ЁНДАДАШУВ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИ КАСБИЙ ЛАЁҚАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ........ 368-375

*Janonova Sitora Berdinazarovna*
TA’LIM VA TARBIYA TARAQQIYOTIDA KOMMUNIKATIV KOMPETENSIYA TUSHUNCHASINING O‘RNI ........ 376-381

*Турсунбоева Мухлиса Анвар қизи*
ТАБИИЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТЛАРИДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИЛГАНЛИК АСОСИДА ЎҚИТИШ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА ........ 382-387

*Bakhadirova Shoxina Nadir kizi*
INGLIZ TILIDA GAPIRISH KO‘NIKMASINI RIVOJLANTIRISHGA YO‘NALTIRILGAN MASHQ VA TOPSHIRIQLARNI ONLINE KO‘RINISHDA O‘QITISH ........ 388-392

*Qurbonova O‘lmasoy Usmonovna, Niyozova Shohista Nusratilloyevna*
OILA BARQARORLIGINI SHAKLLANTIRISHNING PEDAGOGIK OMILLARI ........ 393-397

*Xudayberdiyeva Mahliyo Zayniddin qizi*
BO'LAJAK O'QITUVCHILARDA KOMMUNIKATIV YONDASHUV ASOSIDA KASBIY SIFATLARINI RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK SHART-SHAROITLARI VA INNOVATSION METODLARI ........ 398-403

SCIENCE PROBLEMS.UZ

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. -№ 1(4) - 2024.
ISSN: 2181-1342 (Online)
https://scienceproblems.uz

**Эрханов Муҳаммаджон Абсайитович,**
Киберхавфсизлик маркази иқтисод ва маркетинг бўлими бошлиғи
m.a.erxanov@mail.ru

# ДАВЛАТНИНГ ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ ВА ИНДЕКСЛАРДАГИ ЎРНИНИ ЯХШИЛАШДА ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИНГ ЎРНИ

**Аннотация.** Халқаро рейтинг ва индекслар дунёдаги институционал муҳитнинг сифатини баҳолашда иқтисодий ривожланишнинг асосий шарти сифатида жаҳон ҳамжамияти томонидан қабул қилинган воситадир. Мазкур мақолада Ўзбекистонда иқтисодий рейтинг индексларини ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар самарадорлиги ва бажарилиши лозим бўлган вазифалар таҳлил қилинган.
**Калит сўзлар:** инвестиция, тадбиркорлик, кичик бизнес, кредит, рақобатбардошлик, фаровонлик, молиявий эркинлик, стратегия.

**Erkhanov Muhammadjon Absayitovich,**
head of the economics and marketing department of the Cyber Security Center

# THE ROLE OF ECONOMIC STABILITY IN IMPROVING THE POSITION OF THE STATE IN INTERNATIONAL RATINGS AND INDICES

**Abstract.** International rankings and indices are tools accepted by the world community as a key condition for economic development in assessing the quality of the institutional environment in the world. This article analyzes the effectiveness of the work on increasing the economic rating indices in Uzbekistan and the tasks to be performed.
**Keywords:** investment, entrepreneurship, small business, credit, competitiveness, prosperity, financial freedom, strategy.

**Эрханов Мухаммаджон Абсайитович,**
руководитель отдела экономики и маркетинга Центра Кибербезопасности

# РОЛЬ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ СТАБИЛЬНОСТИ В УЛУЧШЕНИИ ПОЗИЦИЙ ГОСУДАРСТВА В МЕЖДУНАРОДНЫХ РЕЙТИНГАХ И ИНДЕКСАХ

**Аннотация.** Международные рейтинги и индексы являются инструментами, принятыми мировым сообществом в качестве ключевого условия экономического развития при оценке качества институциональной среды в мире. В данной статье анализируется эффективность работы по повышению показателей экономического рейтинга в Узбекистане и задачи, которые предстоит выполнить.
**Ключевые слова:** инвестиции, предпринимательство, малый бизнес, кредит, конкурентоспособность, процветание, финансовая свобода, стратегия.

DOI: https://doi.org/10.47390/SPR1342V4I1Y2024N16

**Кириш.** Мамлакатнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва жаҳон рейтинг индексларидаги ўрни ошишида иқтисодий барқарорликнинг аҳамияти каттадир. Хорижий давлатлар билан ўзаро манфаатли алоқалар бевосита иқтисодий манфаатлар юзасидан шаклланар экан, хорижий инвесторларни қизиқтирган биринчи масала давлатда иқтисодий барқарорлик бўлса, кейинги ўринда давлатнинг жаҳондаги иқтисодий рейтинг индексларидаги ўрни аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан таҳлил қилар эканмиз Ўзбекистондаги иқтисодий барқарорлик жараёнлари анча мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.06.2020 йилдаги «Ўзбекистон республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида»ги ПФ-6003-сонли Фармонига мувофиқ бугунги кунда Ўзбекистоннинг ўрнини Глобал рақобатбардошлик индексида акс эттириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Дунёдаги институционал муҳитнинг сифатини баҳолаш – иқтисодий ривожланишнинг асосий шарти сифатида дунёда умум қабул қилинган восита ҳисобланади. Айтиш керакки, халқаро рейтинг ва индекслар ҳар бир мамлакатнинг ривожланиш жараёнини ўзида намоён этиб, давлат бошқаруви сифати, аҳолининг турмуш даражаси, тадбиркорлик фаолияти ва хорижий инвесторлар учун қулай муҳит, барқарор иқтисодий ўсиш ва рақобатбардошлик каби муҳим жиҳатларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25.02.2019- йилдаги ПҚ-4210-сон "Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорга мувофиқ, Иқтисодий эркинлик индекси (Index of economic freedom), тузувчи — Мерос жамғармаси (The Heritage foundation), Глобал рақобатбардошлик индекси (The Global Competitiveness Index), тузувчи — Жаҳон иқтисодий форуми (World Economic Forum), Бизнес юритиш (Doing business), тузувчи — Жаҳон банки (The World bank), Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИҲТТ) кредит рейтинги ҳамда Бюджет очиқлиги (Open budget index), тузувчи — Халқаро бюджет ҳамкорлиги (International budget partnership) рейтинглар айнан иқтисодий тараққиёт йўналишида натижаларни акс эттиради[1].

**Адабиётлар таҳлили.** Халқаро индекс ва рейтинглар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, XX аср бошларига келиб АҚШда облигациялар бозори кенгайиши ортидан илк бора рейтингларни бериш амалиёти жорий этилган [5; 18-бет]. 1909 йилда америкалик молиявий таҳлилчи, тадбиркор ва инвестор Жон Муди томонидан акциялар қиймати бўйича "Moody's Analyses of Railroad Investments" нашрини чоп этиш билан бошланди [1; 38-бет]. Кейинчалик Mood's рейтинг агентлигига асос солган.

Мана шу анъанага кўра дунё амалиётида глобал индекслар ҳамда рейтинглар пайдо бўла бошлаган. "Иқтисодий луғат" да индекс сўзи лотинча "index" сўзидан олинган бўлиб рўйхат, регистр, кўрсаткич деган маъноларни билдириб, элементнинг ёки маълум бир тизимнинг ҳолати бўйича тўпламдаги ўрнини, номинал ўлчовини тавсифловчи рақамлар, ҳарфлар ёки белгилар комбинациясидир. Рейтинг эса, инглизча "to rate" феълидан келиб чиқиб, "баҳолаш" ёки "баҳо бермоқ" маъносини билдиради. Қоида тариқасида айтадиган бўлсак, рейтинг маълум бир объект ёки ҳодисанинг

[1] http://ratings.gov.uz/rating/ranking_rol

долзарблиги ёки аҳамиятини акс эттирувчи рақам ёки тартибли кўрсаткичдир [6; 123-бет].

Демак, индекс ва рейтинг атамалари бир-бирини тўлдирувчи тушунчалар бўлиб, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлиги нуқтаи назаридан, индекс бу – унда иштирок этувчи мамлакатлар жамланмасида ҳар бир мамлакат бўйича инвестицион муҳитга таъсир қилувчи омилларни кўрсаткичларининг рўйхати ёки регистри бўлса, ушбу ҳолатда рейтинг мазкур рўйхат ёки регистрнинг долзарблиги ва аҳамиятига кўра баҳо бериш орқали тартибли қилиб тузилган шаклидир.

**Тадқиқот методологияси.** Жаҳон миқёсидаги халқаро ижтимоий-иқтисодий рейтинглар орасида, биринчи навбатда, Жаҳон банкининг «Бизнес юритиш» рейтингини қайд этиш лозим. «Бизнес юритиш» рейтинги ҳисоботи Жаҳон банкининг ҳар йили ўтказадиган тадқиқотлари натижаси ҳисобланиб, унга кўра, 190 мамлакатда 10 кўрсаткич бўйича бизнес юритиш қулайлиги баҳоланади. Ҳисобот кичик ва ўрта бизнеснинг ҳаётий фаолияти давомида уни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни баҳолашга, амалиётда қўллаш тартибига йўналтирилган. Ушбу ҳисобот Жаҳон банки томонидан 2003 йилдан бери тайёрланиб келинади ва ҳар йили кузда эълон қилинади.

Қувонарлиси шундаки, кейинги 5 йил давомида «Бизнес юритиш» рейтингида Ўзбекистон жаҳоннинг 190 мамлакати орасида 2012 йилдаги 166-ўриндан 2017 йилда 74-ўринга кўтарилиб, бизнес юритиш учун энг қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш кўрсаткичи бўйича ислоҳотчи мамлакатларнинг биринчи ўнталигидан жой олди. Ўзбекистон 2022 йилгача Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» ҳисоботидаги жаҳон мамлакатларининг биринчи йигирматалиги даражасига мос келадиган энг қулай шарт-шароитларни яратишга интилмоқда. Бу мақсад Президентимизнинг 2018 йил 13 июлдаги “Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида ўз ифодасини топган [2].

**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.** 2022 йилда Ўзбекистон 2021 йилда эълон қилинган ва ўзи учун устувор деб билган жами 19 та халқаро рейтингдан 11 тасида ўз позициясини яхшилади. Жумладан, 2022 йилда Глобал инновациялар индексида ўз ўрнини 4 поғонага кўтариб, 132 та давлат орасида 82-ўринни, Рақобатбардош саноат унумдорлиги индексида 5 поғонага кўтариб, 154 та давлат орасида 89-ўринни, Электрон ҳукуматни ривожлантириш рейтингида 18 поғона яхшилаб, 193 та давлат ичида 69-ўринни эгаллади [7].

Халқаро рейтингларда юқори ўринларни эгаллаш Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги обрўси учун муҳим ҳисобланиши билан бирга хорижий инвестиция ҳамда илғор технологияларнинг юртимизга кириб келишида кўприк вазифасини бажаришини унутмаслигимиз керак. 2019 йилда Британиянинг нуфузли

The Economist нашри Ўзбекистонни йил мамлакати, дея эътироф этган эди. Нашрга кўра, Ўзбекистон 2019-йилда энг кўп яхши томонга ўзгарган мамлакатга айланган эди. Бу сўнгги беш йилликдаги илк кўрсаткичларимиз эди. Мазкур давр оралиғида қатор ишлар амалга оширилдики, Жаҳон иқтисодий форумининг Глобал

рақобатбардошлик индекси (Global Competitiveness Index), Жаҳон банкининг бизнес юритиш рейтинги (Doing Business)даги ўсишлар фикримизни тасдиқлайди.

Индекснинг «Эркин савдо» кўрсаткичида Ўзбекистоннинг ўрни рекорд даражада яхшиланганди: 2021 йилдаги 163 та ўриндан 67-ўринга кўтарилди ва Марказий Осиё давлатлари орасида етакчиликни қўлга киритди. Бундан ташқари, инвестиция, молиявий эркинлик ва монетар эркинлик кўрсаткичларида сезиларли ўсиш қайд этилди.

Хусусан, иқтисодиётда давлатнинг ролини камайтириш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодий ўсиш истиқболларини яхшилашга қаратилган босқичма-босқич ислоҳотлар Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш” индексида кўтарилиш қайд этилишига сабаб бўлди.

Ўзбекистонда бизнес юритиш муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорликка кенг эркинликлар бериш орқали кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш уларни ривожлантириш мақсадида қабул қилинган давлат дастурлари асосида банклар томонидан имтиёзли кредитлаш орқали ҳудудларда аҳолининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши, унинг турмуш тарзини яхшилаш ва иш билан бандлигини оширишга эътибор қаратилмоқда. Республикада кичик ва ўрта бизнес субъектларига кўрсатилаётган хизматларнинг кўлами ва сифатини, шу жумладан тадбиркорлик субъектларига ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатиш орқали ошириш каби вазифалар белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ўрнини мониторинг қилиш ва баҳолаш миллий тизими яратилганини алоҳида таъкидлашимиз керак. Миллий мониторинг тизимини ташкил этишнинг дастлабки босқичи сифатида тадқиқот институтларига халқаро рейтинглар бириктирилиб, улар зиммасига халқаро рейтингларнинг методологик ва бошқа таркибий қисмларини аниқлаш, уларни амалдаги қонунчиликка имплементация қилиш, Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги паст кўрсаткичларига сабаб бўлаётган асосий омилларни аниқлаш вазифаси юклатилди.

Бундай дадил ислоҳотлар, креатив ёндашувлар, кутилмаган қарорлар ва шиддатли одимлар туфайли Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати жаҳон ҳамжамиятининг эътирофига сазовор бўлиши, юртимизнинг дунё миқёсидаги ижобий имижи шаклланишига олиб келади. Глобаллашув даврида бу каби рейтинг ва индекслар нафақат экспертлар, балки давлатлар даражасида ҳам ислоҳотлар ва иқтисодий сиёсатнинг муваффақияти мезонлари сифатида кўрилмоқда.

Шундай экан, мамлакатимизда иқтисодий ўсишнинг ишончли базасини яратиш ва аҳоли фаровонлигини ошириш биз учун, ҳозирги кундаги жаҳон иқтисодиётидаги замонавий жараёнлар фонида, айниқса, долзарб аҳамиятга эга. Бинобарин, инвестициялар оқимини сезиларли даражада ошириш, институционал ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасидаги муаммоларни ҳал қилишнинг самарали усулларидан бири бу юртимизнинг умумэътироф этилган халқаро рейтингларда фаол иштирокини таъминлаш ва ушбу тадқиқотларда муайян натижаларни қўлга киритишдир. Бу, ўз навбатида, нафақат Ўзбекистонга бўлган ишончнинг ортишига, балки долзарб масалаларни аниқ белгилаб олиб, энг мақбул

халқаро амалиётга асосланган бизнес ва инновацион фаолият шароитларини шакллантириш борасида ҳам муваффақият омили бўлади.

Шунинг учун ҳам халқаро рейтинглар бўйича йиллик ҳисоботларни кенг равишда эълон қилиш, шунингдек, ҳисоботларни ўрганиш ва тегишли йўналишлар бўйича ишлар аҳволини яхшилашга қаратилган халқаро ташкилотлар ва экспертларнинг тавсиялари билан иқтисодчи-мутахассислар мунтазам равишда танишиб бориши муҳим. Жумладан, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтириш, хусусий секторнинг ролини кучайтириш, мамлакатимизда савдо-иқтисодий, инвестициявий, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш моделларини ишлаб чиқиш, дунёнинг етакчи халқаро таҳлил ва илмий-тадқиқот, ишлаб чиқариш муассасалари билан алоқаларни мустаҳкамлаш долзарб масаладир.

Ҳозирда "Жаҳон банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, Жаҳон иқтисодий форуми, Халқаро бюджет ҳамкорлиги, INSEAD халқаро бизнес-мактаби ва 475 Economist Intelligence Unit каби халқаро рейтинг агентликлари ва ташкилотлари билан расмий алоқалар йўлга қўйилган [3].

Бугунги кунда халқаро миқёсда устувор ҳисобланган тўртта халқаро рейтинг ва индексда Ўзбекистон ҳали эътироф этилмаганлигини ҳам айтиб ўтишимиз лозим. Бунга бир неча сабаблар бор. Масалан, Жаҳон форумининг "Глобал рақобатбардошлик индекси"га мамлакатимизни киритиш масаласи юзасидан Молия вазирлиги олиб борган музокаралар натижасида индексга кириш жараёни 2 йил муддатни талаб этиши маълум бўлди. Биринчи йилда ташкилот томонидан Ўзбекистонда расмий сўровнома ўтказиш учун ҳамкор, яъни нодавлат нотижорат ташкилотлар, илмий-тадқиқот институтлари танлаб олинади ва сўровнома ўтказилади. Иккинчи йилда сўровнома натижаларидан келиб чиқиб, Ўзбекистоннинг индексдаги норасмий ўрни белгиланади ҳамда уларнинг Ўзбекистон кўрсаткичларининг ҳақиқий тенденциялари билан қай даражада мос келиши текшириб кўрилади. Тенденциялар махсус экспертлар томонидан 2 йил мобайнида мунтазам кузатилиб борилади ва таҳлил қилинади.

Халқаро бюджет ҳамжамиятининг "Бюджет очиқлиги индекси"га кириш масаласига тўхталадиган бўлсак, индекс бўйича мамлакатда тадқиқот ўтказиш учун зарур ресурслар (жумладан, маблағлар) фақатгина халқаро нодавлат ташкилотлар ва институтлар (донорлар) ҳисобидан амалга оширилади. Ҳамжамиятнинг асосий талабларидан бири — тадқиқот ўтказишдаги маҳаллий ҳамкор сифатида мустақил фуқаролик жамияти институтлари (нодавлат нотижорат ташкилотлар) бўлиши зарур. Мазкур индекс ҳисоботида мамлакатимизни акс эттириш бўйича якуний қарор ташкилотнинг кейинги йиғилишида кўриб чиқилишига келишилган. ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг "Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни тартибга солиш чекловлари индекси"да Ўзбекистонни эътироф этиш мақсадида тузилма масъул раҳбарлари билан музокаралар ўтказилган. Хусусан, ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти билан биргаликда "Инвестицион сиёсат шарҳи — Ўзбекистон" номли ҳисоботни ишлаб чиқиш ва бу орқали индексда мамлакат ўрнини акс эттириш имкониятларини кенгайтириш бўйича келишувларга эришилди.

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса ўрнида халқаро рейтингларда юқори ўринларни эгаллашга ҳаракат билан бир вақтда бизнес муҳитини тартибга солувчи ислоҳотларни

изчил ўтказиш, ҳар қандай ҳажмдаги бизнесни ривожлантиришга қулай муҳит яратиш бўйича ишларни кенг кўламда олиб бориш тавсия этилади. Халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатнинг юқори ўринларни эгаллаши, дунё давлатлари билан ижтимоий, иқтисодий, савдо, инвестиция, ҳуқуқий, сиёсий соҳаларида эришилган ютуқларни акс этишини таъминлаш борасида қилиниши лозим бўлган вазифалар ҳам кам эмас. Яъни тизимли ислоҳотларнинг натижаси, ҳақиқий кўрсаткичи – бу иқтисодий ўсиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадининг ўсишига эришишдир.

**Адабиётлар/Литература/References:**


1. Балдин К.В., Быстров О.Ф., Передеряев И.И., Соколов М.М. Инвестиции: Системный анализ и управление / Под ред. Проф. К.В. Балдина. – 2-е изд. – М.:Издательско-торговая корпорация «Дашков и Ко», 2007
2. БМТнинг Савдо ва ривожланиш бўйича конференцияси (ЮНКТАД) ва Саноатни ривожлантириш ташкилоти (UNIDO) ҳисоботлари.
3. Жаҳон банки ҳисоботи (https://www.worldbank.org/en/topic/smefinance
4. https://documents.worldbank.org/en/publication/documents- reports/alternative-datatransforming-sme-finance
5. Мустафакулов Ш.И. Ўзбекистонда инвестицион муҳит жозибадорлигини оширишнинг илмий-услубий масалалари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. Т.: 2017.
6. «Финансово-кредитный словарь» — книга автора Гл. ред. В.П. Дьяченко. Т. 1-2, Издано: 1964, Финансы.
7. http://ratings.gov.uz/rating/ranking_rol

SCIENCE PROBLEMS.UZ

**ISSN:** 2181-1342 (Online)
**Сайт:** https://scienceproblems.uz
**DOI:** 10.47390/SPR1342V4I1Y2024

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ 1 (4) – 2024*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари"** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис**: "SCIENCEPROBLEMS TEAM" масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).